




Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqa boshlagan

2002 yil, 19 iyul № 29 (514)

Sotuvda narxi erkin



«Тошкент почтамти» биноси.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 18 январдаги 26-сонли «Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни-нинг 77-моддасини амалда қўллаш учун кенг йўл очиб берилди. Қарор билан нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати тасдиқланди. Бу рўйхатга телекоммуникация тармоқлари (телефон, телевидение, компютер тармоқлари, радиоэшитириш шаҳобчалари ва бошқалар)дан фойдаланганлик учун абонент тўлови бўйича қарзни ундириш ҳам киритилган.

Шунингдек, мазкур қарорда нотариусда ижро хати ёзириш учун фуқароларнинг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланганлик учун абонент тўлови, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари кўрсатилганлиги ва абонент тўловини ўз вақтида тўламаганлик учун пеня тўлаш бўйича қарздорликни белгилوовчи ҳужжатлар, қарз тўламаганлиги ҳақида белги қўйилган ҳамда қарз суммаси ва уни тўлаш муддатлари тўғрисида қарздорга юборилган билдиришноманинг ундириб олуви томонидан тасдиқланган нусхаси, қарздорнинг билдиришномани олганлиги

ҳақидаги тилхатнинг бир нусхасини тақдим этишни талаб қилиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддасига асосан ижро хати:

– тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг даъвогардан қарздор эканлигини шубҳасиз тасдиқлаган;
– даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаган ҳолларда ёзилади.

● Адвокат минбари

га нотариусларнинг ижро хатлари ҳам киритилган.

Ижро ишнни юритишда асосий ўринни суд ижрочилари эгаллайди. Улар ижро ҳужжатини ундирувчидан, суд ёки бошқа органдан қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши керак.

Суд ижрочиси «Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида»ги қарорда белгиланган ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёр

рав ишда бажариш учун иш юритиш қўзғатилган кундан эътиборан

ИЖРО ХАТЛАРИГА АСОСАН ҚАРЗЛАРНИ УНДИРИШ

Ижро хати у ёзилган кундан бошлаб уч йил муддат ичида мажбурий ижро учун тақдим этилиши мумкин. Ижро ҳужжатларини бекаму кўст бажарилишини таъминлашда Республика Олий Мажлиси томонидан 2001 йил, 29 августда қабул қилинган ва 2002 йил, 1 январдан қучга киритилган «Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунда ижро ҳаракатларини амалга ошириш қоидалари ўз аксини топган.

Қонунда ижро органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурлидаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти ҳудудий бўлиналари, суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлиналари белгиланган ва уларнинг ваколатлари талқин қилинган, шунингдек ижро ҳужжатлари санаб ўтилган бўлиб, улар қатори-

кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва белгиланган муддат тугагандан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар бажарилмаганда қарздорни жарима ундирилиши ҳақида огоҳлантиради. Қонунда жарима миқдори жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн, мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг ўн беш бараварига-ча миқдорда белгиланган.

Суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудлида бarcha органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Қонун ва қарордан ҳуқуқий мадад олиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ташкилотлар қарздорлардан қарзларни ундириш чораларини қўллашлари лозим.

Маҳаммадали ТУРПУНОВ,
«Adolat kuchi» адвокатлик фирмаси адвокати

ПОЧТАЧИЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти, «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорларини автоматлаштириш истиқболлари мавзусида республика семинари ўтказилди. Анжуманда Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М. Маҳмудов, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директори А. Маҳмудов ва айрим вилоятлар почта алоқа корхоналари раҳбарлари ҳамда меҳмонлар иштирок этди.

Семинарда Ҳиндистоннинг «Телекоммуникейшнс Консалтанс индия ЛТД» корхонасининг Тошкент шаҳридаги ваколатхо-

наси ҳудудий резиденти Др. Салил Гупта пойтахтдаги бир қатор алоқа бўлимларида «Почта хизматларини компютерлаштириш ва автоматлаштириш борасида учирма лойиҳа бўйича бажарилган ишлар ҳақида» батафсил маълумот берди. Бу борада республикада олиб борилаётган ишлар ҳақида «Тошкент почтамти» акциядорлик жамияти директори ўринбосари М. Низомов, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази почта бўлими бошлиғи Н. Шокирова ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ДАК бўлими бошлиғи У. Султоновларнинг маърузалари тингланди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

ТАКЛИФЛАРИМ БОР

«ХАВАР» қандай бўлиши-ни истайсиз?» анкета саволларига «Наманган Телеком» филиали ЛАЦ бошлиғи Мусоҳон ИЗЗАТУЛЛАЕВ телефон орқали қуйидаги фикрларни билдирди.

«Хабар»ни доимо ўқиб бораман. Унда чоп этилаётган рангбаранг мақолалар мени қизиқтиради. Мен ҳам айрим тақриблиларимни билдирмоқчиман.

Маълумки, телекоммуникация тармоғи техник жиҳатдан кундан-кунга такомиллашиб

бормоқда. Татбиқ этилаётган замонавий технологияларни тезда ўлаштириб олишда биз муҳандис ва монтажлар бироз қийналиб қоляпмиз. Негаки, республикада алоқачилик техникасига оид нашрлар кам. Шунинг учун газета орқали бевосита алоқа техникасига тааллуқли саволларга етук мутахассислар томонидан жавоб бериб борилса. Бундан ташқари, ихтирочилик тақлифлари ҳам газета саҳфаларидан жой олса, нур устига аяло нур бўларди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГУЛИКЛАР ● ВОКЕАЛАР ● ХАБАРАЛАР



● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегациясини қабул қилди.

● Эндликда Москва кўчаларида тунги сокинликни бузган киши жаримага тортилади. Негаки, Москва шаҳар Думаси «Москванинг тунги вақтида фуқаролар тинчлик-осойишталиги бузилишига қарши маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

● Хўжат тунги соат 22.00 дан 6.00 гача шаҳар кўчаларида осойишталиқни сақлашни қўзда тутди.

● АҚШ ҳукумати 11 сентябр

фожасидан кейин кузатув-га олинган 131 нафар покстонлик шахсларни мамлакатдан чиқариб юборди. Уларга аввал ҳам мамлакатдан чиқиб кетиш уқтирилганди.

● Исроил кинесети мамлакат телевидениесининг суний йўлдош ва кабел орқали узатиладиган телеканалларда порнофильмлар намойишини таъқиқловчи қарор чиқарди.

● 1 июл кун Афғонистоннинг Урузган қишлоғидаги тўй АҚШ ҳарбий ҳаво қучлари томонидан янглиш бомбардимон қилинганга учун Америка Афғонистонга 2 миллион доллар миқдорда товон пули тўлайдиган бўлди.

● Венесуэла президенти Уго Чавес айни пайтда мамлакатда ҳарбий тўнғариш хавфи йўқлигини ва у давлатни 2013 йилгача бошқаришини маълум қилган. Президентнинг халққа мурожаатида таъкидланишича, Венесуэла шу йил апрел ойидаги давлат тўнғаришидан сўнг аста-секин ўзига қаяпти.

“О‘ЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА ДАХЛДОР БЎЛГАН АСОСИЙ ДАЛИЛЛАР (ҲОДИСАЛАР, ҲАРАКАТЛАР) ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Маълумотнинг тартиб рақами 09 (умумий мажлис қарори.)

“O‘zbektelekom” АК маълум қиладики, 2002 йил, 28 июн куни Тошкент ш., А. Толстой кўчаси, 1 уй — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносига акциядорларнинг очiq турдаги йиллик умумий мажлиси бўлиб ўтди ва унда қуйидагилар катнашди:

— жами 29509372 дона оддий акцияга эга бўлган 11та акциядорлар ва уларнинг вакиллари (“O‘zbektelekom” АК Низом жамғармасининг 95,8 фоизи);

— жами 14403 дона имтиёзли акцияга эга бўлган 48 та акциядорлар (“O‘zbektelekom” АК Низом жамғармасининг 0,38 фоизи).

Компания Низом жамғармасининг 96 фоиз акцияси билан кворум таъминланди. Реестр 2002 йил, 29 май ҳолатига кўра ёпилган.

Овоз беришга қўйилган саволлар ва улар буйича овоз бериш ақуналари:

1. “O‘zbektelekom” АКнинг 2001 йил иш натижалари буйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Рози 29508372 та овоз, қаршиллар ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорга кўра “O‘zbektelekom” АКнинг 2001 йил иш натижалари буйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Компаниянинг аудитор ва тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланган йиллик ҳисоботи ва бухгалтерлик баланси тасдиқлансин. 29508372 та қатнашчилар рози бўлиб овоз берди, қаршиллар ва бетарафлар бўлмади. Қабул қилинган қарорга кўра: Компаниянинг аудитор ва тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланган йиллик ҳисоботи ва бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.

3.1. Компаниянинг 2001 йилдаги фаолияти натижалари буйича 1 706 978,1 минг сўм миқдоридagi соф фойда куйидагича тақсимлансин:

— инвестиция фондига — 1040 871,0 минг сўм;

— дивидендларга — 580 758,2 минг сўм.

Шу жумладан:

— оддий акциялар буйича — 297 960,2 минг сўм (ёки бир акцияга номинал қийматдан 1 фоиз);

— имтиёзли акциялар буйича — 282 798,0 минг сўм (ёки бир акцияга номинал қийматдан 30 фоиз);

— захира жамғармасига — 85 348,9 минг сўм.

Давлат Мулк қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2001 йил, 01.06 даги (02/

20-851, ТЖ/08-01-03/113 сонли хатларига мувофиқ) “O‘zbektelekom” АК бош директори Компанияни ривожлантириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун акцияларнинг давлат улуши буйича 50 фоиз дивидендлардан фойдаланишга шартнома тузиш масаласи буйича Давлат Мулк қўмитасига ва молия органларига мурожаат этсин.

29018581 та овоз рози, 489791 та овоз қарши, бетарафлар йўқ.

3.2. Соф фойданинг 50 фоиздан кўп қисмини дивидендларга тўлаш учун йўналтириш буйича овоз беришда эса 489791 та овоз рози бўлди. 29018581 та овоз қарши, бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорга кўра Компаниянинг 2001 йилдаги фаолияти натижалари буйича 1706978,1 минг сўм миқдоридagi соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

— инвестиция фондига — 1040871,0 минг сўм;

— дивидендларга — 580758,2 минг сўм.

Шу жумладан:

— оддий акциялар буйича 297960,2 минг сўм (ёки бир акцияга номинал қийматдан бир фоиз);

— имтиёзли акциялар буйича — 282798,0 минг сўм (ёки бир акцияга номинал қийматдан 30 фоиз);

— захира жамғармасига — 85348,9 минг сўм.

Давлат Мулк қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2001 йил, 01.06 даги (02/20-851, ТЖ/08-01-03/113-сонли хатларига мувофиқ) “O‘zbektelekom” АК бош директори Компанияни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлаш учун акцияларнинг давлат улуши буйича 50 фоиз дивидендлардан фойдаланишга шартнома тузиш масаласи буйича Давлат Мулк қўмитасига ва молия органларига мурожаат этсин.

4. Кузатув кенгаши куйидаги таркибда тасдиқлансин:

“Розилар” овоз беришди:

1. Орипов Абдулла Нигматович 3627259 та овоз

2. Избосаров Аъзам Фахритдинович 3627268 та овоз

3. Ражабов Бахтиёр Барноевич 3627248 та овоз

4. Искандаров Анварбек Хўжаниёзович 3627248 та овоз

5. Усмонов Анвар Саидмахмудович 3627248 та овоз

6. Холмуротова Майрам Авазона 3627247 та овоз

7. Исаев Рихси Исахўжаевич 3627247 та овоз

8. Рамазанов Роберт Хазиевич 3626633 та овоз

9. Гайворонская Надежда Дмитриевна 490353 та овоз

10. Аъзамов Саидқабар Аъзамович 622 та овоз

Овозлар нисбати ҳисобга олиниб, Кузатув кенгаши куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Орипов Абдулла Нигматович

2. Избосаров Аъзам Фахритдинович

3. Ражабов Бахтиёр Барноевич

4. Искандаров Анварбек Хўжаниёзович

5. Усмонов Анвар Саидмахмудович

6. Холмуротова Майрам Авазона

7. Исаев Рихси Исахўжаевич

8. Рамазанов Роберт Хазиевич

9. Гайворонская Надежда Дмитриевна

5. “Осиё Аудит”, “Аломат Аудит”, “Косонсой Аудит”, “TRANS-аудит”, “Аудит-А”, “Аудит-96”, “Трансгаз-аудит” аудиторлик фирмалари 2002 йилга Компаниянинг аудиторлик фирмалари этиб тасдиқлансин ва Кузатув кенгашига шартнома тузиш даврида танлов асосида бош аудитор фирмани танлашга рўхсат этилсин.

Ушбу таклифни 29508372 катнашчи маъқуллади, бетарафлар ва қаршиллар бўлмади.

Қабул қилинган қарор: “Осиё Аудит”, “Аломат Аудит”, “Косонсой Аудит”, “TRANS-аудит”, “Аудит-А”, “Аудит-96” ва “Трансгаз-аудит” аудиторлик фирмалари 2002 йилга Компаниянинг аудиторлик фирмалари этиб тасдиқлансин ва Кузатув кенгашига шартнома тузиш даврида танлов асосида бош аудитор фирмани танлашга рўхсат этилсин.

6.1. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази 2002 йил, 4 март P0434-сонли “O‘ZBEKTELEKOM” АК томонидан чиқарилган номинал қиймати 1000 сўмлик 29848121 дона эгаси ёзилган оддий (МИР RU101P0434TO) ва 943845 дона эгаси ёзилган имтиёзли (МИР RU201P0434T8) акциялар куйидагича ўзгартирилсин:

● 29848121 дона эгаси ёзилган оддий акциялар 29736783 дона эгаси ёзилган оддий акцияларга ўтказилсин.

● 943845 дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялар 1055183 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга ўтказилсин.

“O‘zbektelekom” АК уставига биринчи илова буйича ўзгартиришлар тасдиқлан-

син. 29522775 та овоз рози, қаршиллар ва бетарафлар йўқ.

6.2. Имтиёзли акциялар буйича дивидендлар миқдорини 30 фоиздан кам бўлмаган ўрнига 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгилаб, компаниянинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

9371 та овоз рози, 29013011 та овоз қарши, бетарафлар йўқ.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази 2002 йил, 4 март P0434-сонли “O‘ZBEKTELEKOM” АК томонидан чиқарилган номинал қиймати 1000 сўм 29848121 дона эгаси ёзилган оддий (МИР RU101P0434TO) ва 943845 дона эгаси ёзилган имтиёзли (МИР RU201P0434T8) умумий қиймати 30791966 дона бўлган акциялар куйидагича ўзгартирилсин:

● 29848121 дона эгаси ёзилган оддий акциялар 29736783 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга ўтказилсин.

● 943845 дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялар 1055183 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга ўтказилсин.

● “O‘zbektelekom” АК Низомига биринчи илова буйича ўзгартиришлар тасдиқлансин.

7. “Сирдарё Телеком” АЖ Кузатув кенгашининг “Сирдарё Телеком” АЖ бош директори С.Умаровни лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги қарори тасдиқлансин.

29508372 та овоз рози, қаршиллар ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарорга кўра собиқ “Сирдарё Телеком” АЖ Кузатув кенгашининг “Сирдарё Телеком” АЖ бош директори С. Умаровни лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги қарори тасдиқлансин.

Маълумотнинг тартиб рақами 05 (эмитентнинг қимматли қоғозлари буйича даромадлари тақсимлаш ва (ёки) тўлаш).

2002 йил, 28 июнда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан, “O‘zbektelekom” АК акциялари буйича куйидаги миқдорда дивидендлар тўлаш қарори қабул қилинди:

— 29796 дона акциялар буйича — 297960 минг сўм (бир дона акцияга 10 сўм);

— 942660 дона имтиёзли акциялар буйича — 282798 минг сўм (бир дона акцияга 300 сўм).

Дивидендлар 2002 йил, 29 августгача пул шаклида тўланади.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ИНТЕРНЕТ

2001 йилнинг 11 сентябрида Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк, Вашингтон ва бошқа шаҳарларида амалга оширилган терроорчилик ҳаракатлари хавфсизлик тушунчасига катта ўзгартиришлар киритди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда кўп ёзилмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарига таъкидланган “Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можа ро узоқ вақт давомида миллий четарлар доирасида қолиб кета олмайди” деган фикрлари ҳозир ер юзи аҳолисига янада тушунарли бўлиб қолди. Айни дамда халқ хўжалигининг барча қатламларида кириб улгурган юқори технологиялар, хусусан замонавий ахборот технологиялари буйича мухтаассисларнинг “Ахборот террооризми” таҳлили ҳақидаги безовта фикрлари ахборот воситаларида тез-тез учрамоқда.

2001 йилнинг 11 сентябрида кичик бир таҳлилнинг кўрсатишича, Интернет тармоғининг хавфсизлик буйича сайтларига ҳар куни ўртача 15000 тагача мурожаат бўлар экан. Фикримизнинг далили сифатида улардан айримларини келтириб ўта- миз.

“Экономика и производство” журналининг 2001 йил, 10-сонида чоп этилган “Замонавий техник дастур воситалари асосида илмий ишлаб чиқариш ва молия тизимлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари” номли мақоланинг электрон вариантда “Дунё жамоатчилиги томонидан мулақо купилмаганда хавфсизлик муаммоси 2001 йил, сентябрдаги кенг қамровли ва сурбетларча амалга оширилган террооризм кўринишида намоён бўлди- ки, у амалда бутун дунё мамлакатлари олдида бу каби фаолиятга қарши курашнинг янги шакллари, усуллари ва воситаларини излаган ҳолда бирлашиш муаммосини биринчи даражали қилиб қўйди” дей- илади.

Америка мутахассиси Фредерик Кемпе “The wall Street Journal” жур- налида эълон қилган “Ким янги рақиб билан янги қондалар буйича ўйнашга тайёр?” номли мақоласи- нинг 2001 йил, 21 ноябрдаги элек- трон вариантда бу хунрезликлар- ни амалга оширувчилар орасига за-

монавий технологияларни яхши биладиган, аммо ҳаёт тажрибаси кам бўлган ёшларнинг аралашиб қолаётганлиги ҳақида ёзар экан: “давлат бундай душман учун шифрли алгоритмларга кириш имконияти каби хусусиятларни эгаллашга ёрдам бердики, охи р оқибатда улар янги жанговар ва- зифаларни бажаришда Америка колдларини бузиш учун хизмат қилишлари мумкин”, дейди.

Федерал қидрув бошқармаси вакили Пол Рожерснинг фикри 2001 йил, 22 ноябрда Интернет- нинг <http://Fnews.Mail.Ru.Fnews.Html?97052> сайтида эълон қилнган бўлиб, у ахборот терро- ризми учун корпоратив компю- тер ёки Интернет тармоқлари ор- қали бошқариладиган қимёвий, транспорт, энергетика корхонала- ри ва бошқа объектлар энг нозик мўлжал бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу ўринда ўз хаво- тирини “Кибертеррооризм бундан буён янада кўпайиши мумкин, чунки ҳозирги кунда терроорис- тик гуруҳларда интернетнинг имкониятларини яхши тушуна- диган кўпдан-кўп ёшлар кириб келмоқда”, — деб ифодалайди.

ЭЪЛОН!

Шу йилнинг 23 августидан бошлаб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг қўчма Кубоги учун мини футбол буйича мусобақалар бошланади.

Маълумки, ушбу Кубок совриндорлиги 2000 йил “Алоқабанк”, 2001 йили эса “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали жамоаларига насиб қилганди. Агар аввалги мусобақаларда фақат Тошкент шаҳри алоқа корхоналари жамоалари иштирок этган бўлса, бу йил бутун республика алоқачилари жамоалари қатнашади. Виллоятлардаги беллашувлар худудий тарзда — Урганч, Қарши, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида ўтказилади.

Худудлардаги гуруҳлар мусобақалар низомига асосан куйидаги тартибда ташкил топган.

Қорақалпоғистон республикаси Хоразм	Қашқадарё Сурхондарё Бухоро	Самарқанд Навоий Жиззах Сирдарё	Наманган Андижон Фарғона
А — ГУРУҲИ	Б — ГУРУҲИ	С — ГУРУҲИ	Д — ГУРУҲИ
1. “Уздуробита” ҚҚ	1. “ТШТ”	1. ТошАТУ	1. ДФХ
2. РРТК	2. ФТМТМ	2. “Тошкент Телеком”	2. “Бўстон” ҚҚ
3. РТУМ	3. “Ўзбектелеком”	3. ЭМММ	3. МАТБ
4. “ТошТТС”	4. “Алоқабанк”	4. ЎзААА	4. “Ўзбекистон почтаси”
			5. Махсус алоқа

Шу йилнинг 11 июлида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мусобақаларнинг ташкилий қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти алоқа корхоналари жамоалари вакиллари йиғилишида қўрға ташлаш йўли билан пойтахтдаги тўрт гуруҳ аниқланди.

Худудий биринчиликларнинг тўрт гилиб жамоаси билан Тошкент шаҳридаги гуруҳлар гилиб жамоаси чорак финалдаги жуфтликни ташкил қиладилар. Бу жуфтликлар ҳам қўрға ташлаш йўли билан аниқланади. Ярим финал ва финал ўйинлари республикамиз Муствақиллик куни арафасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилади.

Соҳамизнинг барча футбол ишқибозларини ўйинларни томоша қилишга таклиф этамиз.

А. РАҲМОНОВ,
А. САИДОВ



ДУШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома» 8.45, 17.55 ТВ маркет. 8.45 «Ўзбекистон» намоёни...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» пентони...

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал «Офисина баридан чиққан фирибгарлар»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Сешанба, 23»

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

15.55 «Қўшигим - жон қўшигим». 16.25 «Показанто». Мультсериял премьераси. 16.50 ТВ клип. 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр» Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» пентони...

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал «Офисина баридан чиққан фирибгарлар»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Чоршанба, 24»

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар. 9.35 «Қўндо амазинг ҳижоляри»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал «Офисина баридан чиққан фирибгарлар»...

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал «Офисина баридан чиққан фирибгарлар»...

«Халқаро» телеканал

16.05 «Вести» 16.20 «Жилбер Монтан» концерт...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Жилбер Монтан» концерт...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатув тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 Балет «Кармен»...

«Тошкент» телеканали 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДА сериал «Офисина баридан чиққан фирибгарлар»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

10.05 «CFI янгиликлари». 10.15 «Инглиз тили Сиз учун»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести» 16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»...

Инсон эл назарига тушган, у ҳақда турли хил гаплар ўрмалай бошлайди. Журналист дўстимиз ҳам шундай сўзларни оз-моз эшитган: “Эҳсимол, ҳар қалай намол бўлмасам...” деган фикрга берган бўлса-да, ҳизмат юзасидан ҳозирда Муҳаммадқодир машулот ўтаётган “Динамо” спорт мажмуида келган экан. У бир оз чўчиброқ муллоасини билдирган эди, Муҳаммадқодир айни вақтда биров билан учрашига ваъда берганини айтиб, қўлларини кўксига қўйганча уэр сўраган, “Инсон тоғиб келсангиз, эртанга машулотдан сўнг бафурка суҳбатлашамиз” деди. Бундан кўнгли тўзек кўтарилган дўстимиз хайрлашиб, икки қадам ҳам юрмаёқ ёрилди: “Одамлар ҳам гап-равараранда а? Муҳаммадқодир ундай бўлиб кетган, бундай бўлиб кетган деб. Ининг бўлса шундай бўлади-да, тўғрими? Умуман, мен ҳам бошқача тасаввур қилдим. Оливинг чемпиони бўлсан, камтарлигини қаран!”

Авиз муҳлис, биз сизга ҳозирда Американинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс бўйича 8 та рейтинг галабасига эришган ҳамюртимиз, Сидней Олимпиадаси чемпиони Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ билан у Америкага келишидан олдин қилган суҳбатимизни ҳеч қандай ижодий бўёқларсиз ҳавола этмоқдамиз.

“УЛАР ТУФАЙЛИ ЧЕМПИОН БЎЛДИМ!”

— Муҳаммадқодир, инглиз тилини яхшигинга ўзлаштириб олганга ўхшайсиз?

— Американинг Лас-Вегас шаҳрида шуғуллана бошлаганимдан сўнг, инглиз тилини ўз-ўзидан ўргана бошладим. Шукур, кўриб турганингиздек, анчагина тушунишга бироз гапирингиз қийналяпман. Лекин келажакда ўрганиб, ўзбек тилини гапиргандек гапирмоқчиман. Бир пайтлар ўқитувчиларимиз ўрган деса нима кераги бор, биз чет элга бормасак, дея юрареган эканмиз. Мана энди атанг қилиб, бошга тушганда кеч бўлса-да ўрганилган.

— “Динамо”да қачондан буён машулот ўтгизилар?

— Бу ерда шуғуллана бошлаганимизга уч ҳафта бўлди. Яқин кунлар ичиде Америкага учиб кетамиз. У ерда сўнги тайёргарлик босқичларини ўтаб, худо хоҳласа 10 август кўни навбатдаги жантимизни ўтказамиз.

— Булажак рақибингиз ҳақида маълумотта эгасиз?

— Ҳозир америкалик икки-уч нафар кучли боксчилар бор. Шударлардан бирини мурабийимиз Кени

Адамс видеокасетага туширилган жангини кўргач таналяди. Сўнгра бўлгуси рақибга мос равишда тайёрланиб, мусобақага қадар яна шуғулланаман.

— Муҳаммадқодир, нега бу галги тайёргарликни ўзбекистонда олиб бораёсизлар? Ҳар қалай, Америка сизларга қудайроқ эмасми?

— Тўғри, у ёқда шуғулланиш учун менга шароитлар бор. Бироқ мусофирчилик, ота-она, Ватанини соғинасиз экан. Шунинг учун биз рақибларимизга айтиб, юртимизда шуғулланаямиз. Кўнгилимиз анча таскин тоғиб, ҳалқимиз орасида яйраб юрёмиз.

— Навбатдаги жаҳон чемпионлиги учун жангингиз қачон бўлади?

— Ҳозир 8 та жанг ўтказдим, худо хоҳласа яна беш-олти рақибни мағлуб этсам, жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқаман.

— Олтин камар учун бўладиган жангда кимлар сизга асосий рақиб бўлиши мумкин?

— Бокс ишқибозларига яхши маълумки, мен Сидней олимпиадаси финалида америкалик Рикордо

Уильямс билан жанг қилгандим. Ҳозир у профессионал боксда ҳам 8-9 та жанг ўтказиб, барига галаба қозонди. 21 ёшда. Ниҳоятда кучли, ўзига ишонган спортчи. Уни ватандошлари жуда яхши кўришади. Менинг асосий рақибларимдан бири. Ҳар бир жангиде “Муҳаммадқодирни ютаман” деб юрибди. Мен ҳам унга жавобан: “Ҳаваскорлар боксиде икки марта галаба қилдим, на сиз этса профессионалда ҳам ютаман деб шу жойга келдим” дейман. Қолаверса, ҳозирда олтин камарини ўзида сақлаб турган спортчи билан

зидентимизга берган ваъдамнинг устидан чиқиб, жаҳон чемпиони бўлам.

— Эшитишимизча, у ёқда бош ошпаз ўзингиз бўлиб, дўстларингизни андиқонча палов билан сийлар экансиз?

— Албатта, “Бир йигитта қирқ хунар оз” деганларидек, қўлдан келганча дам олиш кунлари ўзбекча ош қилиб, ўзбекистонлик, америкалик ҳамда собиқ Иттифоқдан борган дўстларни қақриб тураимиз. Пиёладан тортиб 95 чойгача, тандир нону ош, диллама

— барча расм-русумларни ўзбекча қиламиз. Жуда ҳавас қилишад.

— Муҳаммадқодир, мухлисларингизга тилакларингиз.

— Улар оиласи, ота-онаси бахтига доимо омон бўлишин. Спортта — боксга ишқибозлик умрларининг охиригача сўмасин. Биламан, юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам бизни ҳурмат қилдиган мухлислар бор. Улар катта ёшда бўлса мен уларга фарзандман, кичик бўлса акаман, дўстман. Уларга меҳрим жуда баланд. Чунки мухлисларнинг ҳурмати, дуоси туфайли Олимпиада чемпиони бўлдим. Хуллас, юртдошларимизнинг барча-барчаси кўнглимга яқин инсонлардир. Худо хоҳласа профессионал боксда ҳам жаҳон чемпиони бўлиб, уларга ўзига хос тўғна қилмоқчиман.

— Самийий тилакларингиз ўзингизга ҳам йўлдош бўлсин.

Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ
суҳбатлашди

ХАНДАЛАР

— Аёлларимизнинг киприкларини бўяб юриши сизга ёқадими?

— Ёқишга-ку ёқмайди, аммо бунинг бир яхши томони бор. Улар бўлар-бўлмасга кўз ёш тўкишдан қўрқишади.

Концерт пайтида бир аёл эрини туртиб деди:

— Уни қаранг, анави киши концерт пайтида ух-лаб ўтирибди-я.

— Шунде мени уй-фотганингни қара-я! — деди эри жаҳли чиқиб.

Қиз дугонасига деди:

— Бир тасаввур қилиб кўргин, йигитим бугун ҳам учрашувга соқолини олмасдан келибди.

— Айб ўзингизда, жонгинам, — деди дугонаси, — сен уни бунчалар узоқ куттириб қўймаслигинг керак эди.

— Тасаввур қилиб кўргин-а — деди эри хотинига, — мен бугун тушимда дунёнинг энг гўзал аёлига совчи юборибман.

— Ҳўш, нима деб жавоб қилибман? — сўради хотини.

— Сизнингча, ким ақллироқ, эркакларми ёки аёллар?

— Аёллар.

— Нега бунақа деб уйлайсиз?

— Нега эмиш. Ахир эркакнинг чироили оёқларига учиб турмуш курган биронта аёлни кўрганмисиз?

Хорижлик тиламчи хиёбонда скамейка бўяётган одамдан сўрапти:


— Оғайни, нима деб уйлайсиз, манави бўяган скамейкангиз соат тўққизгача қурирман?

— Нега сўраёсиз?

— Кеч ётишни ёмон кўраман.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Сурхондарё Телеком” ШК ҳамда “Сурхондарё почтаси” АЖ жамоалари вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси раиси **Ашурали ДАМИНОВ**ни 55 ёшга тўлгани муносабати билан чин дилдан муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида ривож тилайди.



74 ЙИЛДАН СЎНГ...

● Бу — қизиқ!

Американинг Ковингтон шаҳридаги кутубхонага келган одам бир неча ўн йиллар илгари олинган китобни қайтармоқчи эканлигини айтганида, даставвал унга ишонинишмади. Шунчаки, китобни топшириш муддати бир неча кун ўтиб кетганидан учун 30 ёки 40 центлик жарималдан қочиб мақсадлида ҳазиллашяпти, деб уйлашди. Аммо у келтирган китоб — Виктор Гюгонинг “Хўрланганлар” номили романини қўлга олгач, кутубхоначи аёл унинг титлиб кетган мукювасининг ички томонида ҳақиқатан ҳам

китоб 1928 йил, 24 сентябрда кутубхонадан олинганлигини тасдиқловчи муҳрли қроғочани кўрди.

Умумий жарима миқдори 500 долларга етиш мумкин эди. Лекин бу китобни бувисининг уйдаги болақонадан топганини таъкидлаётган одамдан пул олмасликка қарор қилишди. Авваламбор, ўз исми шарифини сир тутганини истаган кимсаннинг ҳалоллигига минаятдорчилик юзасидан шундай қилишди. Иккинчидан, айни вақтда келиб ушбу китобнинг қўйматти жарима миқдоридан ошиб кетганиди.

“МУШУК” ДЕГАН ШАҲАР БОР

● Ажаб дунё

Одамга эл бўлиб, хонадониде кадр топган ҳайвонлардан бири мушукдир. Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг ухлаб ётган мушук оромини бузмаслик учун этагини кесиб ўрнидан турганлари ҳам у жонзотнинг нақадар эрка бўлганлигидан далолат беради.

Европа хонадонларида мушук нисбатан кеч, эрамининг II асрида пайдо бўлган. Қатъий таъқиқларга қарамай, у Мисрдан олиб чиқилган. XV асрларда эса мушуклар тарихида қора давр бошланган. Нафақат мушуклар, балки уларни боққан эгалари ҳам қаттиқ таъқиқ остига олинган. Оқибатда сичқон ва каламушлар кўпайиб, даҳшатли юқумли касалликлар тарқалган. Бундан одамлар ҳам нобуд бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб аҳвол ўзгара бошлади.

Бугун кўп мамлакатларда мушук боқилади. Ер юзиде ҳаммаси бўлиб 400 миллиондан зиёд мушук хонадонларда яшайди.

Меҳрибон кишилар даврасиде мушук чинкам мўъжизаларни намойиш этади. Югославия-

да Стана, Тожикистонда Мастура исмли қизалоқларни илон хуружидан мушук сақлаб қолган. Эгаларини қарқончо безорилардан, зилзилалардан, ҳатто уруш даврида душманлардан қутқариб қолган жасур мушуклар ҳақидаги воқеаларнинг сон-саногии йўқ. Мушукларнинг юз, минг километрик ма-софаларни босиб, уйини тоғиб боришига ақл бовар қилмайди. Америка, Италия, Россия, Қирғизистон ва бошқа кўп жойларда ойлаб йўл юриб, озиб-тўзиб, фақат жонаҳан останага етганда ҳолдан тойиб йиқилган ўнлаб мушуклар маълум.

Японияда ҳозир ҳам дарвоза олдиға мушук ҳайкаласини қўйиш одати сақланиб қолган. Малайзияда “Кучинг”, яъни “Мушук” деган шаҳар бор. Унинг майдонларидан бириде мушукка ҳайкал ўрнатилган. Мушук мавзуси одамларни ҳаммаша қизиқтириб келган. Ибот учун Юрий Куклачев мушукларининг томошалари, 1981 йили Лондонда, 1983 йили эса Венада қўйилган “мушуклар” мюзиклининг доврақ солиб келаятганини эслатиш қийон.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

●

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирғўлнат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиққди

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма №Г-673.
5434 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ,
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва сақлаланди.